



THE BEST WAY TO GET ACQUAINTED WITH PROFESSIONAL MUSICAL TRADITIONS IN MUSIC CULTURE CLASSES

Qo'shayev Ilhom Axtamovich¹

¹ Senior Lecturer, Department of Music Education, Faculty of Art History,

Bukhara State University

i.a.kushayev@buxdu.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4934504>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2021

Accepted: 05th June 2021

Online: 10th June 2021

KEY WORDS

makom, Shashmakom, big singing, art of bakhshi (storyteller), soz, melody in dastans, concepts of guliga (throat), styles of singing with an open voice, moans, nagma, concepts, study of musical genres in music education (mentoring).

ABSTRACT

The article says that the school still has problems with the study of professional (oral) musical genres of the oral tradition, as well as with the study of classical works, and that these problems are solved when students get acquainted with all musical samples, study and master them, and achieve spiritual perfection.

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ОҒЗАКИ АНЪАНАДАГИ КАСБИЙ МУСИҚА НАМУНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШНИНГ ОПТИМАЛ УСУЛЛАРИ

Қўшаев Илҳом Ахтамович¹

¹ Бухоро давлат университети Санъатшунослик факультети

Муסיқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси

i.a.kushayev@buxdu.uz

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-iyun 2021

Ma'qullandi: 05-iyun 2021

Chop etildi: 10-iyun 2021

KALIT SO'ZLAR

Мақом, шашмақом, катта ашула, бахшичилик санъати, соз, оҳанг, номалар идроки, гулиги, очиқ овозда куйлаш услублари, нола, нағма, тушунчалари, муסיқа таълимида (устозона)

ANNOTATSIYA

Мақолада мактабда оғзаки анъанадаги касбий (устозона) муסיқа жанрларини ўрганиш, мумтоз асарларни ўрганишда ҳали анчагина муаммолар борлиги ҳақида айтиб ўтилган, ва бу муаммоларни ечимлари ўқувчилар барча муסיқа намуналари билан танишиб, уларни ўрганиб, ўзлаштириб борсалар, маънавий камолотга етишлари ёритиб берилган.



*муסיқа жанрларини
ўрганиш.*

Мустақиллик йилларида мактабда оғзаки анъанадаги касбий (устозона) муסיқа жанрларини ўрганиш, мумтоз асарларни ўрганишда ҳали анчагина муаммолар борлиги ва бу муаммоларни ечимлари борасида анчагина амалий ишлар амалга оширилиятганлиги ва ҳозирги кунда мақом, катта ашула ва дoston номаларининг ёрқин намуналарини таълим назарияси (дидактика) тамойиллари асосида танлаш, таснифлаш, муסיқий назарий, амалий ва услулий таҳлил этиш, уларнинг педагогик ва психологик имкониятларини тавсифлаш, турли муסיқа сабоқлари жараёнида ўрганиш методикасини аниқлаш асосида муסיқа фанлари ўқув дастурларига киритишни тавсия этиш муҳим педагогик муаммо бўлиб турибти.

Оғзаки анъанадаги касбий (устозона) муסיқани муסיқашуносликда ўрганилишига киришиш тахминан 1960- йиллардан бошланган бўлса, бу муסיқа жанрларини мактаб муסיқа фаолиятига олиб келиш ғоялари 80- йилларда бошланган эди. 1980 йил баҳорида Хивада ўтказилган фольклорчи муסיқашунослар семинарида кўпгина ўзбек муסיқашунос, композитор ва муסיқа олий ўқув юртлари педагоглари мақом ва бошқа касбий муסיқа жанрларининг зўр тарбиявий аҳамиятини қайд қилиб, уларни ўрганишни мактабдан бошлаш лозимлигини айтган эдилар. Жумладан, Ўзбекистон давлат мадҳиясининг

муаллифи, устоз композитор Мутал Бурҳонов Бухорода мумтоз муסיқа жанрларидан бўлган мақомларни ўрганиш қадимдан бери устоз-шогирдчилик йўли билан болаликдан бошлангани, шогирдга дастлаб танбур чалиш ва ундан кейин бошқа созлар ва ашула ўргатилгани ҳақида гапирган эди. Мазкур семинарнинг қарорига биноан маориф вазирлигига мактаб муסיқа дарслари мазмунини мақом, мумтоз куй ва ашулалар, катта ашула ва дoston муסיқалари билан бойитиш топширилган эди. 1982 йилда педагогика институтларининг муסיқа-педагогика факультетларида мақом асосларини ўрганишнинг дастури А.Э.Кўшаев томонидан тузилиб нашр этилган эди. 1980 йилларнинг охирларида Д.Ф.Амонуллаев томонидан мақомлар қисқа ҳажмда бўлсада 7-синф дарслигига киритилди. Ана шу даврлардан бери касбий муסיқа жанрларини ўрганиш ва мактаб муסיқа фаолиятига жалб этиш амалиёти давом этиб келаяпти. Шунинг билан бирга бу мумтоз асарларни мактабда ўрганиш услубиёти борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилган. Оқил Иброхимов ва Ҳамидулла Нурматовлар биринчилардан бўлиб мактаб муסיқа дарсларида мақомларни ўрганиш услублари ҳақида фикрлар билдирдилар ва ўқитувчилар учун қўлланма туздилар.

Юқорида тилга олинган ишлар бу борадаги муаммоларни ечишда маълум даража хизмат қилди. Аммо ҳозирги



кунда муаммо охиригача ечилган эмас. Назаримизда энг катта муаммо нота тўпламлари, дарсликлар, ўқув кўлланмалари, тинглаш учун мўлжалланган магнит ва гарм ёзувлар ҳамда техника воситаларининг етмаслигидадир.

Дарсда мумтоз куй ва ашулаларни ўрганишнинг усулиёти (методикаси) ва йўллари аниқлаш учун манбаларга мурожаат қилганимизда аввало 6-7 синф мусиқий педагогик ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия этилганига ишонч ҳосил қилдик. Турли даврларда аншр этилган адабиётларда мактабда мусиқа тарбияси методикасидан лекциялар курси, тезислар, Тошкент 1990 йил, тузувчи Д.Омонуллаев, умумий таълими мактабларининг 6-7 синф мусиқа дарси учун методик тавсияномалар, Тошкент 1994 йил, тузувчилар Ҳ.Нурматов ва О.Иброҳимов, 13-14 ёшдаги ўспиринларда мутация даври билан боғлиқ алоҳида хусусиятлар мавжудлиги қайд этилган. Бу давр (балоғатга етиш) асосан ўғил болаларда қийинроқ кечиши, унинг айрим хусусиятлари яъни овознинг кесикин ўзгариб, йўғонлашуви, овозни бошқариш қийинлашуви, танада ҳам касаллик аломатлари сезилиши, ўқувчилар характерида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлиши, билан кузатилади. Бу давр 2 ҳафтадан 4-5 ойгача давом этиши мумкин. Шу давр ичида овоз бойламлари қарийб икки марта катталашиб, овоз катталар овозига яқинлашади. Бу даврда имокни борича овозни эҳтиёт қилиш зарур. Акс ҳолда яъни баланд овоз билан бақариш, ёки баланд пардаларда ашула айтиш овоз аппаратини шикастлантириш мумкин. Болалар

овозига алоҳида эътибор бериш ўқитувчидан юқори малака, психология ва физиологик билимлар ва тарбиячиликда мохирликни талаб этади. Ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг кўпроқ қисмида мутация даври ўтаётганини сезиб, мусиқа дарси мазмунини бир мунча ўзгартириши зарур. Ўқитувчи режалаштирилган кўшиқларни ўргатишда кўпроқ кўшиқ мазмуни ва муаллифлари, мусиқий йўналишлар, мусиқий ҳаёт янгиликларига тўхталиб, баланд пардаларда куйлаш, узоқроқ давом этадиган вокал-хор машқларини силлиқроқ, асосан ўрта регистр (примар) товушларда куйлатишга ўтиши тавсия этилади. Бу даврда ўқувчиларга кўпроқ мақом, мумтоз куй ва ашулалар, катта ашулалар ва достонлар, уларнинг ижро анъаналари, ёрқин ва таниқли ижрочилари, жаҳон композиторлари ҳақида ихчам, қизиқарли ҳаётий маълумотлар бериб, суҳбатлар уюштиради. Кўпроқ мусиқа эшитишга ҳаракат қилинади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчиларга кўпинча буюк композиторларнинг саҳна асарлари, достонлар кўпроқ ёқади. Бундай асарларда лирика, қаҳрамонлик ва бошқа инсоний сифатлар ўқувчиларга сўз ва мусиқа уйғунлигида зўр таъсир кўрсатиб, уларни ўзига ром қилади. Бунда ўқитувчининг касбий савияси, нутқи, эмоционал ҳис туйғулари ҳам муҳим рол ўйнайди.

Дарсларнинг қизиқарли ва самарали ўтиши кўрғазмали қуроллар, техника воситаларидан унумли фойдаланиш ҳамда фанлар аро алоқа омилларидан фойдаланишнинг аҳамияти беқиёсдир. Адабиёт



дарсларида ўтиладиган мавзуларга мурожаат қилиб, тарихий воқеалар ўз аксини топган адабий асарлар, мумтоз шеърятимизнинг султони Алишер Навоий ва бошқа пешқадам шоирлар ижоди билан боғлиқ мақом, мумтоз ашулаларнинг шеърӣ матнлари таҳлили ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Аммо бу мутация даврида куйлашни бутунлай тўхтатиб, фақат тинглаш ва суҳбатларга ўтиш деган гап эмас. Янги дастурда мақом парчалари, дoston қўшиқлари ва мумтоз ашулалардан қисқартирилган (баланд авжлари қолдирилиб олинган) парчалар куйлаш тавсия этилган. Бунда мутация даврини ўтказаетган ўқувчилар баланд пардалари учрайдиган қисмларни куйламайдилар.

Янги дастурнинг аввало, дарснинг муайян мавзулари – мақомлар (Бухоро Шашмақом), Хоразм мақомлари, Фарғона – Тошкент мақом йўллари, мумтоз куй ва ашулалар, дoston қўшиқлари ва бошқа оғзаки анъанадаги касбий мусиқа жанрларига кирмайдиган мусиқа жанрларини Европа мусиқаси намуналари билан қиёсий ўрганиш асосида уларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Иккинчидан собиқ эски тузим давридагидек ҳар бир фаолият тури ўз қисқа мақсадига хизмат қилиб, уларни амалга ошириш учун аниқ белгиланган дақиқалар (дарс вақти) ажратилмасдан, мусиқа тинглаш, машқлар ва қўшиқ тинглаш, машқлар ва қўшиқлар куйлаш ҳамда мусиқа саводи машғулотлари дарснинг мустақил қисми эмас, балки дарс мазмуни ва мавзуини очиб берувчи мусиқа фаолияти сифатида қабул этилади. Бу омил мумтоз куй ва ашулаларни асосан тинглаш йўли билан

ўзлаштиришга кенг имкон яратиб беради. Учинчидан дарс мавзусининг қизиқарли ритмик ҳаракатлар, чапак ва болалар ўйинчоқ мусиқа асбоблари шиқилдоқ, дойрача, қошиқ ва бошқа ритмик асбоблар орқали мусиқага жўр бўлиш ҳамда мусиқа ижодкорлиги каби янги мусиқа фаолиятлари қўлланиладигани, бу фаолиятлар ўқувчиларни мураккаб мумтоз мусиқа жанрларини ўзлаштиришлари учун ёрдам беради. Ушбу фаолиятлар замирида фаол иштирок ва ижрочилик хусусиятлари мавжудлиги туфайли улар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Машғулотларда қўлланиладиган барча фаолият турлари дарс мавзусининг ажралмас қисми сифатида амал қилади. Бу жиҳатдан “Мусиқа маданияти” предмети аралаш дарс типига киради ва ундан дарснинг умумий мавзусига бўйсунувчи ўзаро, мантиқан боғланувчи қуйидаги мусиқа фаолиятларига амал қилади: мусиқа идроки (тинглаш) куйлаш, мусиқа саводи, ритмик ҳаракатлар ва ҳакоза.

Мусиқа маданияти дарсининг муҳим вазибаларидан бири – ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришдир. Мусиқа идроки (тинглаш) ва мусиқа саводи фаолияти ўзаро узвий боғланиш билан қолган барча фаолиятлар амалиётига етакчилик қилади. Ўқувчиларнинг табиий мусиқа асбоблари – бу ларнинг овозларидир. Дастурда берилган айрим мумтоз ашулаларни куйлаш учун мослатилган парчалари миллий мусиқий анъаналар услубини ўзлаштириб олиш, мусиқий меросга хос ёрқин интонация, усул (ритм) ҳиссини шакллантириш, ўқувчиларнинг мусиқа ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик



малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўз овоз – ижросини бошқаради, ўртоқлари ижроларини эшитиб кузатади, улар билан бирга жўр бўлиб куйлашга интилади. Аммо бу хусусият мумтоз ашула намуналаридан парчалар куйлаш ўз-ўзидан тўғри йўлга кириб қолмайди. Бунинг учун ўқувчилар аввало бундай асарларнинг асл (ҳақиқий) ижроси (грампластинка ёки магнит ёзувида) билан танишишлари, ўқитувчи ижросида таклиф этилган вариантини 2-3 марта тинглашлари, миллий мумтоз ашулага хос нола ваоғзаки анъанадаги касбий (устозона) муסיқа бошқа куй безакларининг моҳиятини жанрларини ўрганиш учун барча имкониятлар тушунишлари зарур. Ўқитувчи бундай яратилапти, аммо бу мумтоз асарларни мураккаб асарларни куйлатиш ва ўрганишда ҳали анчагина муаммолар бор, тинглатишдан олдин бир қанча зарурий лекин юқорида айтиб ўтилган йўллар орқали вокал – ва хор малакаларини амалгабу муаммоларни ечиб бўлади, ўқувчилар барча оширади. Соф интонация (пардани ёкимуסיқа намуналари билан танишиб, уларни товушни тиниқ куйлаш), талаффузни ўрганиб, ўзлаштириб борсалар, маънавий шакллантириш, вокал ансамбликамолотга етишлари аниқдир. (ҳамжиҳатлик билан куйлаш, шошилмаслик, бошқалардан орқага

қолмаслик, шошилиб олдинроқ куйламаслик ва ҳоказо) уларни доимо диққат марказида сақлаши зарур.

Зотан, тинглаш диққат ва куйлаш ўқув материаллари таълим мазмунини ташкил этади. Уларни тинглаш ва куйлаш фаолиятлари воситасида ўрганиш билан бирга, чолғучилик, мусиқали ҳаракатлар ҳамда ижрочилик ҳаракатлари билан ҳам ҳар томонлама ўзлаштириш ва мусиқий тавсифларини ушбу фаолиятлар воситасида ифодалаш имкониятлари яратилади.

Хулоса қилиб айтганимизда мактабда

Хулоса қилиб айтганимизда мактабда музиқа (устозона) мусиқа муаммолар бор, тинглатишдан олдин бир қанча зарурий лекин юқорида айтиб ўтилган йўллар орқали вокал – ва хор малакаларини амалгабу муаммоларни ечиб бўлади, ўқувчилар барча оширади. Соф интонация (пардани ёкимуסיқа намуналари билан танишиб, уларни товушни тиниқ куйлаш), талаффузни ўрганиб, ўзлаштириб борсалар, маънавий шакллантириш, вокал ансамбликамолотга етишлари аниқдир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 6 апрел куни Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи;
3. Б.Матёқубов. Достон наволари. Тошкент-2009;
4. Халқаро фестиваль давом этмоқда. Ўзбекистон овози. №28-29 2019 йил 8- апрель;
5. Кушаев Илхам Ахтамович, Ахтамов Ислам Илхамович ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТРАДИЦИОННОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ МУЗЫКИ (НА ПРИМЕРЕ ИСКУССТВА ДАСТАНА) // Academy. 2020. №11 (62). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pedagogicheskie-osnovy-traditsionnoy-professionalnoy-muzyki-na-primere-iskusstva-dastana> (дата обращения: 03.06.2021).
6. Исломжон Илхом Ўғли Ахтамов МАҚОМ АНЪАНАВИЙ КАСБИЙ МУСИҚА НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ОВОЗ ХУСУСИЯТЛАРИ // Scientific progress. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ma-om-ananaviy-kasbiy-musi-a-namunalarini-rganishda-ovoz-hususiyatlari> (дата обращения: 03.06.2021).



7. Кушаев Илхам Ахтамович, Ахтамов Ислам Илхамович ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТРАДИЦИОННОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ МУЗЫКИ (НА ПРИМЕРЕ ИСКУССТВА ДАСТАНА) // Academy. 2020. №11 (62). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pedagogicheskie-osnovy-traditsionnoy-professionalnoy-muzyki-na-primere-iskusstva-dastana> (дата обращения: 03.06.2021).
8. Kushaev I. A. Musical pedagogical fundamentals of doston art //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 10. – С. 1061-1067.
9. Kushaev I. A. MUSIC PEDAGOGICAL DOLLARS OF DOSTON ART //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 9. – С. 6-6.
10. Kushaev I. A. BAKHSI ART SCHOOLS AND THEIR PERFORMING FEATURES //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 3. – №. 3. – С. 295-299.
11. Қўшаев И. А. МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ХАЛҚ МУСИҚАСИ НАМУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 1. – №. 5.
12. Илҳом Ахтамович Қўшаев МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ХАЛҚ МУСИҚАСИ НАМУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ // Scientific progress. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/musi-a-madaniyati-darslarida-hal-musi-asi-namunalaridan-foydalanishning-a-amiyati> (дата обращения: 03.06.2021).